Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

«Давлат кадастрлари» кафедраси

«Ер ресурсларини бошқариш» фани

РЕСПУБЛИКА ЕР ФОНДИНИНГ ТАРМОҚЛАРАРО ВА ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ТАҚСИМОТИ

Тошкент - 2018

Мавзу: Республика ер фондининг тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимоти

Режа:

1. Республика ер фондидан фойдаланиш тавсифи.
2. Ер фондининг ер тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланиши.
3. Ўзбекистонда мулкчилик тизимини шакллантириш ва миллий хўжалик тизимида ер тақсимоти масалалари.
4. Ер фонди тақсимотининг умумий тамойиллари.

Адабиётлар:

1. Рахмонов Қ.Р. Ер ресурсларини бошқариш. Ўқув қулланма. ТИМИ, Тошкент, 2008.
2. Рахмонов Қ.Р., Бобожонов А.Р, Гофиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент ТИМИ, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», Т., «Адолат», 1998
4. "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот". "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, 2014 йил.

Сўз боши

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг манбаи бўлган “Ер” устувор аҳамиятга эга бўлиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз файзи бевосита “Ер” билан боғлиқ бўлган соҳанинг тараққиёти, тармоқ истиқболига боғлиқдир.

Республикамиз иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш жараёнида давлат ер фонди таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Халқ хўжалик тармоқлари маълум ер майдонисиз ривожланиши мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда илмий техника тараққиёти, унинг кўлами ва ишлаб чиқаришдаги тадбиқ даражаси ер фонди таркибига ҳамда ўзаро салмоғига катта таъсир этишини эътироф этиш керак.

Ўзбекистон ер фондининг тавсифланиши ва ундан фойдаланиш даражаси

2017 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9 минг** гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар **44892,4 минг** гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4312,4 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,6 фоизини** ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан **8 та** тоифага бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

минг га. ҳисобида

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, суғориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз ҳисобида	Жами	Фоиз ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388,8	45,42	4209,3	9,37
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,2	0,49	49,9	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	909,6	2,03	12,3	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	0,17	0,8	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	13,7	0,03		
6	Ўрмон фонди ерлари	9773,0	21,77	33,2	0,07
7	Сув фонди ерлари	833,3	1,85	4,7	0,01
8	Захира ерлар	12678,8	28,24	2,2	0,005
	Жами ерлар:	**44892,4**	**100,0**	**4312,4**	**9,6**

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши



Ўзбекистон Республикасидаги жами фойдаланиладиган ерлар майдони

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар	
		жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16656,1	508,7	417,0	417,0
2	Андижон	430,3	273,6	202,7	202,7
3	Бухоро	4193,7	275,0	200,8	200,8
4	Жиззах	2117,9	300,6	482,9	262,1
5	Қашқадарё	2856,8	514,9	678,9	420,4
6	Навоий	10937,5	123,5	110,6	90,7
7	Наманган	718,1	282,2	194,5	194,5
8	Самарқанд	1677,3	379,6	434,9	252,8
9	Сурхондарё	2009,9	325,8	280,9	241,0
10	Сирдарё	427,6	287,8	250,3	250,3
11	Тошкент	1525,4	398,0	335,9	301,7
12	Фарғона	700,5	367,3	247,8	247,8
13	Хоразм	608,2	266,2	206,0	206,0
14	Тошкент ш.	33,1	4,9	0,4	0,4
	Жами:	**44892,4**	**4308,1**	**4043,6**	**3288,2**

Ер фондидан фойдаланиш таҳлили

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ягона ер фондида энг асосий ўрин тутади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг **45,4 фоизи**ни эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда асосий восита ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.



Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши. (% ҳисобида)

Ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши

Ердан фойдаланиш ўз мазмунига қараб турлича бўлиб, фойдаланиш тавсифи бўйича фарқланувчи турли табиий – тарихий хусусиятларга эга бўлган ер участкаларининг йиғиндисидан иборат. Булар ер турларини ташкил этади.

Ердан фойдаланувчи чегарасида ерлар турлари бўйича юритилади. Шу сабабли ер тури ердан фойдаланишда ва ер ажратишда асосий элементи хисобланади.

Турлича табиий хусусиятларга эга бўлган, аниқ бир ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган ер участкалари ер турлари деб эътироф этилади.

Ер турларини таснифлашда айниқса қишлоқ хўжалик ер турларини ажратиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бевосита фойдаланиладиган ер турларига қишлоқ хўжалик ер турлари деб эътироф этилади.

Ер фонди таркибидаги асосий ер турлари:

1. Қишлоқ хўжалиги ерлари;
2. Томорқа ерлар;
3. Қурилишлар билан банд ерлар;
4. Йўллар билан банд ерлар;
5. Сув билан банд ерлар;
6. Ўрмонзорлар;
7. Бутазорлар;
8. Ботқоқликлар;
9. Қумликлар;
10. Бошқа ерлар

Қишлоқ хўжалиги ер турлари:

Қишлоқ хўжалик ер турлари - қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Шундан, экин ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари ва мевазорлар), бўз ерлар, пичанзор ва яйловларга бўлинади.
2015 йил 1 январ ҳолатига уларнинг ер майдони **25621,4 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **57,1 фоизини,** шундан суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари жами **3732,2 минг** гектарни ташкил этади.

Суғориладиган ерлар:
Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.
Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.
Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим.



Суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг Республика бўйича 2010 йилнинг 1 январидан 2015 йил 1 январгача бўлган ўзгариши.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, аксарият вилоятларда суғориладиган экин ер майдонлари камайган. Бу асосан Туркманистон Республикасида фойдаланилаётган 6,4 минг гектар сувли экин ерларни кайтарилиши ҳамда жойларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратиш ҳамда хукумат қарорлари, дастурлари асосида янги (интенсив) боғлар ва узумзорлар барпо қилиш ҳисобига камайган.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар:
Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан **20 фоиздан** кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.
Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Экин ерларга қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган барча хайдалма ерлар киради.
Экин ерлари икки турга: ***суғориладиган ва лалми ерларга*** бўлинади.

Лалми ерлар:

Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фақат тупроқ қатламларидаги ёғинлар ҳисобига йиғилган намлик эвазига етиштирилишини ҳисобга олиб, йиллик ёғин миқдори ўртача 200 мм дан ошадиган ерлардагина лалмикор экинлар жойлаштирилади.

Лалмикор ерлар тупроқ минтақаларининг жойлашишига мос равишда намлик билан таъминланган, кам таъминланган ва таъминланмаган ерларга бўлинади.

Жигарранг ва қорамтир бўз тупроқ баланд минтақада жойлашган бўлиб, намлик билан таъминланган, типик бўз тупроқ ўрта минтақада тоғ олди зоналарига тарқалган ва намлик билан кам таъминланган ва оч тусли бўз тупроқлар қуйи минтақада намлик билан таъминланмаган лалмикор ерлар ҳисобланади.

Лалми экин ер майдонларининг республика вилоятлари бўйича тақсимланиши

Т/р	Вилоятларнинг номи	Жами лалми экин ерлар майдони
1	Жиззах	**220,8**
2	Қашқадарё	**258,5**
3	Навоий	**19,9**
4	Самарқанд	**182,1**
5	Сурхондарё	**39,9**
6	Тошкент	**34,2**
	Жами:	**755,4**

Ер тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимотининг умумий тамойиллари

Илмий техника тараққиёти таъсирида тармоқлар ривожланиши натижаси ҳам ер фонди тақсимотига турлича таъсир этади.

Айрим тармоқларда илмий техника тараққиёти ер мулк салоҳиятига бўлган талаб камаяди.

Ер мулк салоҳиятининг чегараланганлигини ҳисобга олсак, бир тармоқдаги ер майдонига бўлган талаб албатта бошқа тармоқлар банд қилган майдонлар ҳажмига таъсир этади. Демак, ер мулк салоҳиятида доимо ўзгаришлар бўлади ва бу жараён маълум қонуниятларга бўйсинади.

Эътиборларингиз учун рахмат !